




ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ОЛИМА АЁЛЛАРНИ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ВА МАЪНАВИЙ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ

халқаро илмий-амалий конференцияси
МАТЕРИАЛЛАР ТўПЛАМИ



ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУХАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ
МИЛЛИЙ ТАДҚИҚОТ УНИВЕРСИТЕТИ
ЮНЕСКО ХАЛҚАРО ТАШКИЛОТИ
ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ
ТОШКЕНТ ШАҲАР ХОТИН-ҚИЗЛАР “ОЛИМА” АЁЛЛАР УЮШМАСИ
TADQIQOT.UZ ХАЛҚАРО ИЛМИЙ ЖУРНАЛЛАР ПОРТАЛИ

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ОЛИМА АЁЛЛАРНИ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ВА МАЪНАВИЙ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ

халқаро илмий-амалий конференцияси
(Тошкент, 2-3 март 2023 йил)
МАТЕРИАЛЛАР ТЎПЛАМИ



КОНФЕРЕНЦИЯНИНГ ТАШКИЛИЙ ҚЎМИТАСИ

МАСЪУЛ МУҲАРРИР:

Исмоилова З.К. - педагогика фанлари доктори, профессор (Тошкент, Ўзбекистон)

Ўлжаева Ш.М. - тарих фанлари доктори, профессор (Тошкент, Ўзбекистон)

Джўраева Н.Д. - тарих фанлари номзоди, доцент (Тошкент, Ўзбекистон)

КОНФЕРЕНЦИЯ МУСАҲҲИҲИ ВА КООРДИНАТОРИ:

Базарова М.М. - (Тошкент, Ўзбекистон)

ДИЗАЙНЕР:

@TADQIQOTDESIGN

ИЛМИЙ МУҲАРРИР:

Ўлжаева Ш.М. - тарих фанлари доктори, профессор (Тошкент, Ўзбекистон)

Бабаджанова Н.А. - тарих фанлари номзоди, доцент (Тошкент, Ўзбекистон)

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ ВА АЪЗОЛАРИ:

Мамадаминова Б. - тарих фанлари номзоди, доцент (Тошкент, Ўзбекистон)

Толибоева Н.О. - PhD, доцент (Тошкент, Ўзбекистон)

Мирзахмедов Х.А. - PhD, в.б. доцент (Наманган, Ўзбекистон)

«ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ОЛИМА АЁЛЛАРНИ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ВА МАЪНАВИЙ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ» мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференция материаллар тўплами (Тошкент ш., 2-3 март 2023 йил) / масъул муҳ. Ismoilova Z.K., O'ljayeva Sh.M., Djurayeva N.D. - Тошкент: ТИҚХММИ-МТУ, 2023. – 324 б.



[5]. И отныне “жертва притеснения и насилия обладает правом на обращение в соответствующие уполномоченные органы и организации или в суд с заявлением о совершении в отношении неё притеснения и насилия или угрозе их совершения” [5].

Становится очевидным, что в Республике Узбекистан ведётся масштабная разработка и принятие программ стратегических действий в интересах профилактики и защиты женщин от домашнего насилия на долгую перспективу. Всё это однозначно показывает, что Новый Узбекистан ставит перед собой специальные цели для данного устойчивого развития, однако в рамках нашего исследования уместно предложить дополнительные условия по реабилитации женщин - жертв домашнего насилия и их неременной поддержки (рис. 2).

Однако успех работы над проблемой домашнего насилия в отношении женщин во многом будет зависеть и от намерения государственных руководителей сделать одной из своих приоритетных задач по защите прав пострадавших от существующего домашнего насилия. И многие указанные аспекты в данном исследовании способны остановить воспроизведение модели насильственного поведения в семейных отношениях у будущих поколений.

Список используемой литературы

1. Закон Республики Узбекистан “О защите женщин от притеснения и насилия”, от 02.09.2019 года. № ЗРУ-561. Режим доступа: <https://lex.uz/ru/docs/4494712?ONDATE2=21.04.2021&action=compare>
2. Международное и национальное право и практика защиты женщин от домашнего насилия / О.К. Гончаренко // Женщина в российском обществе, 2020 №3. – С. 53-64.
3. Самое опасное место: Обзор мер по противодействию домашнему насилию. Международный опыт / Дж. Ахильгова, Ю. Антонова, В. Коган. — 2020. — 70 с.
4. Типовые стратегии и практические меры по искоренению насилия в отношении женщин в области предупреждения преступности и уголовного правосудия. Режим доступа: https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/conventions/strategies_to_elim_violence.shtml
5. <https://uza.uz/ru/posts/mekhanizm-zashchity-zhenshchin-ot-pritesneniya-i-nasiliya-05-09-2019>

Ш.М. Ўлжаева

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини
механизациялаш муҳандислари институти
Миллий тадқиқот университети профессори

Н.С. Алгожаева

Ал-Форобий номидаги
Қозоғистон Миллий университети профессори

Р. Қодирова

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини
механизациялаш муҳандислари институти
Миллий тадқиқот университети катта ўқитувчиси

ЁШ ҚИЗЛАРНИ ИЛМИЙ ҲАЁТГА ТАЙЁРЛАШДА МАЪНАВИЯТ ВА МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРГА ЭЪТИБОР ҚАРАТИШ МАСАЛАЛАРИ

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада ёш қизларни илмий ҳаётга тайёрлашда маънавиятга ва миллий қадриятларга эътибор қаратиш масалалари таҳлил қилинган. Унда бугунги кунда бўлгуси олима қизларни турли глобал хавфлардан ҳимоя қилиш, билим бериш таъкидлаб ўтилган. Мақолада ёшлар онгига миллий-тарихий қадриятларни сингдириш масалаларига эътибор қаратилган.



Калит сўзлар: тарбия, ахлоқ, миллий қадрият, таълим, ота-она

ПРОБЛЕМЫ СОСРЕДОТОЧЕНИЯ ВНИМАНИЯ НА ДУХОВНОСТИ И НАЦИОНАЛЬНЫХ ЦЕННОСТЯХ ПРИ ПОДГОТОВКЕ МОЛОДЫХ ДЕВУШЕК К НАУЧНОЙ ЖИЗНИ

АННОТАЦИЯ

В этой статье анализируются проблемы, связанные с сосредоточением на духовности и национальных ценностях в подготовке молодых девушек к научной жизни. В нем анализируются проблемы защиты девочек от различных глобальных рисков. Статья посвящена проблемы формирования и уважение к национальным и историческим ценностям в сознании молодежи.

Ключевые слова: воспитание, моральная, национальная ценность, образование, родители

ISSUES OF FOCUSING ON SPIRITUALITY AND NATIONAL VALUES IN THE PREPARATION OF YOUNG GIRLS FOR SCIENTIFIC LIFE

ABSTRACT

This article analyzes the problems associated with focusing on spirituality and national values in the preparation of young girls for scientific life. It analyzes the problems of protecting girls from various global risks. The article is devoted to the problems of formation and respect for national and historical values in the minds of youth.

Keywords: upbringing, moral, national value, education, parents

Бизга маълумки илмий изланишлар олиб боришга ҳаракатлар мактабгача тарбия давридан бошланади. Бола тарбиясида мактабгача таълим муассасалари билан бирга ота-оналар масъулдирлар.

Бола тарбиясининг ўчоғи оила экан, оила институтининг маънавий омилларига эътибор қаратиш, хотин-қизлар билан доимий мулоқотларни ўрнатиш муҳим масала ҳисобланади.

Бугунги аёл глобаллашув дунёсида, информацион хуружлар, оммавий маданият, ахлоқсизлик нормага айланиб бораётган ва глобал тармоқлар сабаб миллий қадриятларга зарар етаётган бухронлар даврида фарзанд тарбияламоқда.

Барча таълим муассасалари ҳам ҳозир шундай хавфлар хуруж қилаётган даврда фаолият юритмоқдалар. Бу эса бугунги бола тарбияси учун муҳим стратегик ечимлар излаб топишни ва амалиётга жорий этишни талаб этади.

Бугун ёшларнинг ахлоқий қиёфаси шаклланишида огоҳлик, хушёрлик ва масъулият билан бирга бола билан муттасил ишлаш, бўш вақтини фойдали билим ва касб-хунарларни эгаллашга йўналтириш, камида 2-3 та тил ўргатиш, ёшлиқдан бошлаб болани китобга ошно қилиш, тарихимизда ўтган ота-боболар ва момолар ҳаёт йўлини ўргатиш, меҳнатга лаёқатни шакллантириш муҳим масаладир. Кибер хавфсизликни таъминлаш⁴⁶ давлат сиёсатининг муҳим йўналишига айланган бўлса-да, уни кучайтириш ва ёшлар ўйнаётган баъзи ўйинлар, томоша қилаётган беҳаё сайтлар, инсоннинг келажагига хавф соладиган бузғунчи ғоялардан ҳимоя қилиш чоралари излаб топилиши керак. Бугун инсон эътиқоди ва онгига чанг солинмоқда ва бепарво, ўз миллий қадриятларидан узилган, миллати ва юридан тонаётган ёшларни тарбиялашга учинчи кучлар катта маблағ ва куч сарфламоқдалар.

Болаларнинг ахлоқий тарбияси унинг келажагига ижобий ёки салбий таъсир кўрсатади. Бола оила, маҳалла, боғча ва бошқа муҳитларда умри давомида оладиган

⁴⁶ Ўзбекистонда Янги Ўзбекистон хавфсизлиги концепцияси қабул қилинади // <https://xs.uz/uzkr/post/ozbekistonda-yangi-ozbekiston-khavfsizligi-kontseptsiyasi-qabul-qilinadi>



маълумотларнинг энг кўп қисмини олади ва шулар асосида кейинги ҳаёт йўли ва мазмунини шакллантиради.

Тинч-хотиржам муҳитда, ҳалол меҳнат билан ўстирилган фарзанд келажакда ўзига ишонган, атрофидаги ҳар бир нарсанинг қадрига етадиган, китталарни ҳурмат, кичикларни иззат қиладиган етук инсон бўлиб шаклланади. Бу каби ёшлар умр бўйи тўғри йўлда кетадилар ҳамда давлат ва жамият учун ҳам катта хизмат қила оладилар.

Бугунги ёш қиз ёки аёл шунчаки уй бекаси эмас, у давлат ва жамият олдида масъул тарбиячи ҳисобланади.

Тўғрисўзлик, ҳалоллик, мардлик, саҳийлик, камтарлик, ҳар бир ишда-емак-ичмак, киймак, қирим-чиқимни тўғри шакллантириш, озода-саришталикни сақлаш, вақтни бошқаришни ўрганиш, ҳар ишга улгуриш бўлгуси оналар ва олима аёллар учун муҳимдир.

Илм олиш умр давомида олинадиган жараёнга айланган тақдирда инсон ўз қадр ва йўлини топади. Илмга ошно бўлган аёл-қизлар келажакда катта олима бўлиб етишишлари мумкин.

Албатта ахлоқий фазилатлар хотин-қизларимизга хос бўлгандагина давлат ва жамиятда хотиржамлик бўлади. Кимки бола тарбиясига бепарво бўлса ва тарбияни фақат едириб-ичириш, кийдиришдан иборат вазифа деб англаса катта хатога йўл қўяди.

Бўлгуси олима қизлар аввало мустаҳкам фуқаролик позициясига эга бўлиши лозим. Улар ўз ақли-зақоси билан яхши-ёмонни ажрата оладиган, турли хавфларни сезиб ундан узоқлашадиган ва бошқаларни ҳам огоҳлантирадиган, турли воқеаларга мантиқий ва танқидий ёндаша оладиган, ўз ватанига дахлдорлик тўғрисида эга бўлган ва тарихи билан ғурурланадиган комила бўлишлари муҳимдир. Маънавий қашшоқ олималар ўзи, оиласи ва атроф-муҳит, давлат учун ҳам фойда келтира олмайдилар.

Тарихда ўтган момоларимиз бизга бугунги ҳаётишимизни тўғри танлашимизда бизга ибрат ва намуна бўла оладилар.

Шундай оналаримиздан бири Хоразм амири Қутлудумурнинг аёли Тўрабека хотундир. Ибн Баттута бу аёл ҳақида чексиз ҳурмат ва ҳайрат билан ёзган⁴⁷. Тарихда бу каби эри шоҳ бўла туриб, ўзи камтар кийинган ва катта бойликларни хайр-садақага ишлатган аёлларимиз кўп топилади.

Амирнинг аёли бўлган малика бўла туриб, араб Сайёҳи Ибн Баттута шарафига ўзи қурдирган зовияда зиёфат уюштириб, одми кийимда бир четда туриб салом берган экан.

Ибн Баттута бу аёлнинг камтарлиги ҳақида ушбуларни ёзиб қолдирган:

"Менинг шарафимга мазкур обрўли бека уюштирган зиёфатни тарк этиб, зовиядан чиқар эканман, эшик олдида эски бир либос кийган аёлни учратдим. У бошига чодра ташлаб олган эди, ёнида қанчалигини билмайман, аёллар бор эди. Аёл менга салом берди. Мен йўлда давом этиб ва унчалик эътибор бермай, саломига алик олдим.

Кўчага чиқиб олганим бир пайтда воқеани кузатиб турган кишилардан бири етиб олиб деди: «Сенга салом берган аёл Тўрабека-хотуннинг ўзидир». Мен бу сўзларни эшитиб, уялиб кетдим, шу аёл ҳузурига қайтиб боргим келди, аммо у кетиб қолган эди. Мен унга хизматкорларидан бири орқали салом йўллаб, уни танимаганлигим учун узр сўрадим⁴⁸».

Хоразмда Ибн Баттутага шунчалик кўп чорвалар берилганки, кейинчалик ҳатто бу совға-ҳадяларнинг саноғига ҳам ета олмай қолади. Сайёҳ "дунёни кезиб Хоразмликлардан кўра меҳмондўст одамларни кўрмадим" деб ёзган.

Амир Темурнинг онаси Такина Хотун⁴⁹, опаси Қутлуғ Туркон оғо⁵⁰, қизи Тағойшоҳ-Оғо бегим, турмуш ўртоғи Ўлжой Туркон оғо, Сароймулкхоним, Туман оғо, келини Хонзода бегим номи билан машҳур бўлган Севинбека, Гавҳаршодбегим, Милкат оғо ва бошқа маликалар ҳам доимо маблағларини хайрли ишларга сафрлаганлар. Улар йўллар қуриш,

⁴⁷ Иброҳимов Н. Ибн Баттута ва унинг Ўрта Осиёга саёҳати. -Тошкент, 1993. -Б. 61.

⁴⁸ Иброҳимов Н. Ибн Баттута ва унинг Ўрта Осиёга саёҳати. -Тошкент, 1993. -Б. 61-62.

⁴⁹ Иноятов С. Соҳибқирон ва Темурийлар назари тушган диёр. Рисола. — Тошкент, «Шарқ», 2002. -Б. 10.

⁵⁰ Шарафуддин Али Яздий. Зафарнома. Сўз боши, табдил, изоҳлар ва кўрсаткичлар муаллифлари А. Аҳмедов, Ҳ. Бобобеков. -Тошкент, 1997. -Б. 98.



кўприклар солиш, сув чиқариш, мадраса, масжид, шифохоналар куришга ҳавасманд бўлганлар.

Бибихоним ўз ҳисобидан Самарқандда 1000 нафар талаба таълим оладиган мадрасани олият солдирадиди.

Гавҳаршод бегим меъморий мажмуаси Шарқ дунёсининг энг мухташам меъморий мажмуаларидан биридиди.

Гавҳаршодбегим Ҳиротда ва мамлакатнинг турли ҳудудларида доимий бунёдкорлик ишларини олиб борган. Унга тегишли бўлган савдо карвонларидан келган маблағлар доимо курилишларга сарфланар эди.

Табиатан ватанпарвар, билимдон ва зукко Гавҳар Шод бегим мамлакат равнақи йўлида тинмай ғамхўрлик қилади. Унинг дастурида маданий ва маърифий ҳаёт биринчи ўринда бўлган. Шу боисданми, фарзандлари ҳамда барча набиралари илм-фан мухлислари бўлиб, ҳатто ғазал ҳам битганлар.

Гавҳар Шод бегим Ҳиротдаги жуда кўп курилиш ишларига раҳномалик қилди. Унинг ўзи ҳам Ҳиротда иккита катта мадраса қурдирган. Малика Милкат Оғо Ҳирот шаҳрида бир мадраса, «Дорушшифо» номли касалхона, «Дорулҳадис» номли хонақоҳ, иккита ҳаммом ва шаҳардан саккиз фарсах (тош) четрокда битта мадраса, кутубхона ва мақбара, шаҳзода Алоуд Давла Мирзо эса битта касалхона қурдирган⁵¹. Айни вақтда, хусусий мулкдор, давлатманд кишиларга хайрия тариқасида курилишлар бунёд этишига ижозат берилган ва рағбатлантириб турилган.

Мирзо Улуғбекнинг қизи Робия Султон бегим ҳам ўзининг хайрли ишлари билан ўз даврида шуҳрат қозонган⁵².

Амир Темурнинг набира келини Ҳабиба Султон Бегим ҳам тарихимиздаги буюк аёллардан ҳисобланади. Малика томонидан курилган Ашратхона Самарқанд меъморчилигининг ноёб намунаси ҳисобланади⁵³. Ашратхона - бу XV асрнинг ноёб биноси эди. Сарой курилишида ўша даврнинг кўзга кўринган арбоблари, аёллар қатнашган. Ўша пайтда Самарқанд меъморчилигида инқилоб амалга оширилди. Кўпгина тадқиқотчилар уни курувчи усталарнинг санъатига қойил қолишди ва бу бионинг мақбара ёки сарой эканлигини ҳатто англамай қолишди. Чунки бино жуда гўзал ва илмий-бадиий тарихий ечимга эга эди. Бу иморат дизайнининг чексиз ҳашамати курилишда тубдан янги меъморчилик техникаси ва ечимлари қўлланганини таъкидлаб ўтдилар.

Ашратхонда ер ости қавати - гумбаз билан қопланган саккиз бурчакли ғор ҳам бор. Ҳажми ва безакларининг бойлиги бўйича унинг Ўрта Осиё меъморчилигида тенги йўқ эди.

Тарихда тараққиёт бешигини тебратган, икки дунё саодатига эришган момоларимиз жуда кўп. Ўрта Осиёдан қанчалаб олимлар етишиб чиққан бўлса, уларнинг оналари ҳам олима бўлганлар. Сандиқ-сандиқ китобларни болаларига тинмай ўқитган, диний ва дунёвий илмлар бериб боланинг маънавиятини шакллантирган олима аёллар бизга ибрат ва намунадиди.

⁵¹ Шоҳруҳ Мирзо (1377-1447) // <https://ziyouz.uz/ilm-va-fan/tarix/manaviyat-yulduzlari/shohruh-mirzo-1377-1447/>

⁵² Мустапаева Д.У. О личности женщин, похороненных в мавзолее Ходжи Ахмеда Ясави // Наука и мир. — 2017. — Т. 1, № 5(45). — С. 69-71.

⁵³ Якубов Н. Легенды Самарканда: памятка для экскурсоводов. — 1990. — С. 49—53. — 64 с.